



ГУРУХ ВА КОТИБИЯТЛАР РАХБАРЛАРИ

www.andijan.uz

Андижон вилояти ҳокимлиги

ЖАМОАТ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН АЛОҚАЛАР БЎЙИЧА КОТИБИЯТИ ХИЗМАТ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА Ў Р И Қ Н О М А

- Андижон вилоят ҳокимлиги жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича котибиятининг мудирининг бевосита вилоят ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарига бўйсинади.

- Котибият фаолиятига раҳбарлик қилади ва котибиятга юкланган вазифаларни бажариш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

- Котибият фаолиятини ташкилий, ахборот, маъмурий-хўжалик жиҳатидан барқарорлаштиради, шунингдек, хизмат интизоми такомиллашувини таъминлайди.

- Котибиятга тааллуқли доимий комиссиялар ҳамда вилоят ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларни ташкил қилади.

- Антиконтституцион ва диний экстремистик ҳаракатларнинг олдини олиш масалаларида вилоят ҳокимлиги мутасадди раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликни ташкил этади. Вилоятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини барқарорлаштиришга қаратилган хатти-ҳаракатларда юқоридаги мутасаддилар билан ҳамкорликда чоралар кўради.

- Республика бошқарув органлари билан ҳамкорликда Ўзбекистондаги диний конфессиялар фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Андижон вилояти ҳокими қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тўла ва узлуксиз риоя этилишини таъминлайди;

- Андижон вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси, Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий партияларнинг вилоят бўлимлари, вилоят жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни уюштиради ва назорат қилади.

- Андижон вилоятидаги диний ташкилот ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

- Котибият фаолиятига доир Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Андижон вилояти ҳокими қарорлари ва фармойишларининг ижроси юзасидан тизимли назоратни ташкил қилади.

- Андижон вилояти ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари мажмуаси фаолиятининг ички тартиб-интизомини ўрнатади.

- Котибият фаолиятига оид қарор, фармойиш лойиҳалари ва кўрсатмалар тайёрланишини таъминлайди.

- Андижон вилояти ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарининг турли тадбирлардаги вакиллик манфаатларини амалга оширади.

- Андижон вилояти ҳокимлигининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқаларга оид тадбирларни ишлаб чиқади ва уларнинг самарали амалга оширилишини таъминлайди.

- Андижон вилояти ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари топшириғига биноан, мажмуа фаолиятига доир ахборот ҳужжатлари ва маълумотлар белгиланган тартибда тайёрлайди.

- Мажмуа фаолиятига тааллуқли меъёрий ҳужжатларнинг шаҳар ва туман ҳокимликлари тарафидан ижро этилиши юзасидан назорат ўрнатади.

- Ўз фаолиятини Андижон вилояти ҳокими маҳкамасида тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ташкил қилади.

- Котибиятга тушган директив ва норматив ҳужжатларни, хатларни, шу жумладан фуқароларнинг хат ва аризаларини кўриб чиқиб, ҳисобга олади, уларни ижрочиларга етказиш ва назорат этишни йўлга қўяди, барча чиқув ҳужжатларини рўйхатга олади ва жўнатади;

- Андижон вилояти ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарини хат, ариза, шикоят ва юқори ташкилотлардан келган ҳужжатларнинг ҳолати ва бажарилиши ҳақида мунтазам хабардор қилиб боради.

- Андижон вилояти ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарининг шахсий қабулини ташкил этади.

- Ҳар ойда тушган хатлар ижросининг ахволини таҳлил қилади.

- Фуқароларнинг ариза, мурожаат, шикоятларини бевосита жойларда ўрганилишини ташкил этади.

- Раҳбарга мурожаат қилган фуқароларни шахсий масалалар бўйича қабулини ва ёзма мурожаатларининг аниқ ҳисобини юритади.

- Белгиланган тартибда кириш ва чиқиш ҳужжатларини расмийлаштиради.

- Ижроси тугалланган ҳужжатларни қабул қилиш, ҳисобга олиш ва сақлашни амалга оширади ҳамда ҳужжатларни расман вилоят ҳокимлиги архив бўлимига топширади.

**Андижон вилояти ҳокимлиги жамоат ва диний ташкилотлари билан алоқалар бўйича
котибияти мудир**